

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ

ХУШВАҚТОВА МАДИНА ФАРХОДОВНА

**НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ ҲУДУДИДА ДОИМИЙ
ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хушвақтова Мадина Фарходовна

Нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари..... 3

Хушвақтова Мадина Фарходовна

Клинико-иммунологические особенности атопического дерматита у детей, постоянно проживающих на территории нефтеперерабатывающих предприятий 30

Xushvaktova Madina Farxodovna

Clinical and immunological features of atopic dermatitis in children permanently residing in the territory of oil refineries 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ

ХУШВАҚТОВА МАДИНА ФАРХОДОВНА

**НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ ҲУДУДИДА ДОИМИЙ
ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ
КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3660 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Ачилова Донохон Нутфуллоевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ирсалиева Фотима Хуснитдиновна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида аллергия касалликлар етакчи ўринни эгаллаб келмоқда ва тез-тез қайталаниши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эпидемиологик тадқиқотлари маълумотларига кўра, «...аллергия касалликлар (АК) болаларнинг 10% дан 50% гача ва ундан ортиқ қисмида учрамоқда»¹. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...бронхиал астма (БА), аллергия ринит (АР) ва атопик дерматит (АД) каби касалликлар болаларда кўп ташхисланмоқда. Атопик дерматит барча аллергия касалликлар тизимида 50-75%ни ташкил қилиб асосий ўринни эгаллаб келмоқда»². Болаларда аллергия касалликлар учраш даражасининг юқорилиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида аллергия касалликлар, жумладан атопик дерматитни эрта ташхислаш, прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштириш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада атопик дерматит билан касалланган болаларда иммун тизим фаолияти ўзгаришини аниқлаш, атопик дерматит ҳолати келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини ошириш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда болалик давридаги патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда аллергия касалликларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»³ каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, болаларда бронхиал астма, аллергия ринит ва атопик дерматит кўринишида юзага келадиган аллергия касалликларни барвақт

¹ [globalasthmareport.org](http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php) [Internet]. The Global Asthma Report 2022. Global burden of disease due to asthma [cited 17 Oct 2021]. Available from: <http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php>

² Эффективность профилактики atopического дерматита у детей раннего возраста и иммунологические факторы риска развития аллергических заболеваний. А.А. Иванова. – Москва. - 2020. - Том 99. N 2. - С. 80-87.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

аниқлаш касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ифлосланган ҳудудларда яшовчи болаларда аллергия касаликларнинг терапияга чидамли оғир шаклларининг шаклланиши, ижтимоий мослашувнинг пасайиши ва боланинг ногиронлиги ривожланиши тенденцияси мавжуд (Cansever M G., ва бошқ. 2021). Юқори антигеник юклар атопия ривожланиш хавфини сезиларли даражада оширади: жумладан ушбу тадқиқот ишида ишлаб чиқариш корхоналари атрофида доимий яшовчи болаларда атопик дерматитни истисно қилиш, олдини олишга қаратилган муҳим омил ҳисобланади (Paller AS., 2016; Platts-Mills T.A. 2021). Иммун тизимининг дисфункцияси болаларнинг юқумли агентларга чидамлилигининг пасайиши, иммунитет тизимининг фаоллигининг пасайиши билан намоён бўлади. Аллергиянинг оғир шакли бўлган беморларда юқумли жараён ўчоқларининг тез-тез кучайиши тарихи мавжуд. Касалликнинг ўртача ва оғир курсида Т хужайраларини тартибга солиш тизимида бостириш фониде иммунитет тизимининг барча қисмларида иммунитет танқислиги аутоиммун компонентнинг ривожланишига олиб келади (Гурина О.П., ва бошқ. 2019).

Аллергия касалликларнинг глобал ривожланишида атроф муҳит ифлосланиши муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш омилларининг узок муддатли таъсири сурункали патологиянинг ривожланиши учун хавф омилли эканлиги аниқланган. Болаларда ушбу патологиянинг шаклланишида касбий ишлаб чиқариш омилларининг ролини ўрганиш муаммоси ўрганилганлигига қарамай ҳозирги вақтда кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд (Юсупова Н.З., Даутов Ф.Ф., Хакимова Р.Ф., Хайруллина Л.Р. 2019). Аутопик дерматит терининг ирсий, иммуно-нейро-аллергик, сурункали қайталанувчан яллиғланишли аутопик касаллиги бўлиб, кучли қичиш, терининг симпатозергик

реакцияси, асосан эритематоз-кипикланиш билан ифодаланади. Касаллик турли ёш қатламлари орасида кенг тарқалган, ривожланиши генетик ва экологик омилларнинг комбинацияси билан боғлиқ сурункали яллиғланишли ва мултифакторли тери касаллиги ҳисобланади. АД нинг кечишида турли омилларнинг таъсири билан бирга эндоген омиллар, хусусан захарланиш ҳам аҳамиятлидир (Абдуллаев С.К., Абдурашидов А.А. 2020). Шу билан бирга, атроф-муҳит омиллари аллергик касалликларнинг пайдо бўлиши ва кучайишида ҳам муҳим омиллар бўлиб қолмоқда (Ташматова Г.А., Халматова Б.Т., Миррахимова.М.Х. 2021). Болаларда ушбу патологиянинг шаклланишида касбий ишлаб чиқариш омилларининг ролини ўрганиш муаммоси ўрганилганлигига қарамай ҳозирги вақтда кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд (O.J. Harrison 2016).

Атроф муҳит ифлосланишининг патогенетик роли турли хил касалликларнинг ривожланишида ўзини намоён қилиши мумкин: касаллик структурасини узгариши, сурункали касалликлар кўринишида, касалликларнинг атипик кечиши ва организмнинг иммунологик реактивлигининг пасайиши кузатилиши (С.К.Абдуллаев, А.А.Абдурашидов 2019). Чуқурлаштирилган оммавий текширишни ташкил этиш экологик ноқулай муҳит учун аллергик касалликларни олдини олишда муҳимдир (И.И. Балабокин. Р.Н.Терлецкая. 2017). Аллергия касалликларининг олдини олиш кенг кўламли чора-тадбирлар билан таъминланиши ва пренатал даврдан бошлаб инсон ҳаётининг барча босқичларида амалга оширилиши керак (Перевошчикова Н.К. ва бошқ. 2017). Атопик дерматитда ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари мунтазам такомиллаштирилишига қарамай, касаллик энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5.2020.PhD100 «COVID-19 билан зарарланишдан кейин Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир кўрсатувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг учраш даражаси, хавф омиллари, турли клиник вариантлари ва унинг асоратлари пайдо бўлиш даражаси, кечиш давомийлиги ва намоён бўлиши ёшига мос тақсимланишини аниқлаш ва баҳолаш;

текширилаётган контингент иммун ҳолатини касалликнинг турли вариантлари ва кечиши давомийлигига боғлиқ ўзгаришларни аниқлаш;

атопик дерматит аниқланган болаларда “Бифалак-Цинкум+С+D3” ёрдамида комплекс даволаш динамикасида унинг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш;

атопик дерматит билан касалланган болалар клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти нефтни қайта ишлаш заводи атрофида доимий яшовчи 3-12 ёшдаги атопик дерматит билан касалланган 150 нафар болалар ҳамда экологик қулайроқ муҳитда яшовчи атопик дерматит билан касалланган шу ёшдаги 60 нафар болалар ҳамда 20 нафар амалий соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар ва соғлом болалар вена қони ва қон зардоби иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда умумклиник, антропометрик, иммунологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда экологик қулайроқ шароитида яшовчи болалар нисбатан атопик дерматитнинг учраш даражаси ортиши, касаллик структураси ўзгариши, сурункали касалликлар кўринишида касалликнинг атипик кечиши ва организмнинг иммунологик реактивлиги пасайишига олиб келиши аниқланган;

илк бор нефтни қайта ишлаш заводи атрофида яшовчи болаларда атопик дерматит IgE, яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-5 ва IL-13), эотаксин миқдорлари ортиши билан кечиши ва TGF- β миқдори эса яшаш жойидан қатъий назар юқори бўлиши аниқланган;

илк бор нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида яшовчи болаларда цитокин ҳолати кўрсаткичларининг юқори интенсивлигини (яллиғланишга қарши цитокинлар ва эотаксин нисбатлари) аниқлаш асосида атопик дерматитнинг башорат қилиш индекси ККПИ < 2,5 бўлиши унинг ноқулай курсининг диагностик мезони эканлиги исботланган;

атопик дерматитли болаларни дифференциал ва комплекс даволаш самарадорлиги боланинг клиник ҳолати, тананинг адаптив қобилятининг ортиши, IgE нормал даражасини тиклаш билан ремиссия даврининг узайиши, яллиғланишга қарши цитокинлар, эотаксин ва қон зардобидидаги ўсиш омили миқдорларининг меъёрлашуви билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефтни қайта ишлаш заводи атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг ташхислашда гуморал тизим кўрсаткичлари (IgE, IL-5, IL-13), эотаксин ва TGF- β) миқдори ўзгаришларини аниқлаш тавсия этилган;

атопик дерматитни эрта ташхислаш ва кечишини башоратловчи диагностик ва прогностик мезонлари тавсия этилган;

атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятларига асосланган прогнозлаш тизими ўз вақтида дифференциал профилактика чораларини кўриш имконини яратган;

болаларда ушбу касалликни бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш завоид атрофида яшовчи болаларда атопик дерматит IgE, яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-5 ва IL-13), эотаксин миқдорлари ортиши билан кечиши ва TGF- β миқдори эса яшаш жойидан қатъий назар юқори бўлиши аниқланганлиги, болаларда цитокин ҳолати кўрсаткичларининг юқори интенсивлиги асосида атопик дерматитнинг башорат қилиш индекси ККПИ $< 2,5$ бўлиши унинг ноқулай курсининг диагностик мезони эканлиги исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефтни қайта ишлаш заводи атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг ташхислашда гуморал тизим кўрсаткичлари (IgE, IL-5, IL-13), эотаксин ва TGF- β) миқдори ўзгаришларини аниқлаш тавсия этилганлиги, атопик дерматитни эрта ташхислаш ва кечишини башоратловчи диагностик ва прогностик мезонлари ишлаб чиқилганлиги, атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятларига асосланган прогностлаш тизими ва касалликни бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгиллиги: илк бор нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда экологик қулайроқ шароитида яшовчи болалар нисбатан атопик дерматитнинг учраш даражаси ортиши, касаллик структураси ўзгариши, сурункали касалликлар кўринишида касалликнинг атипик кечиши ва организмнинг иммунологик реактивлиги пасайишига олиб келиши аниқланганлиги бўйича «Ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт

марказининг Бухоро вилоят худудий филиали бўйича 23.07.2024 йилдаги 23-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят худудий филиали бўйича 24.07.2024 йилдаги 41-Т-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари худудий филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усуллари қўллаш ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 445000 сумгача тежалиши ва даволаш муддати 7 кунга қисқариши асосланган. *Хулоса*: нефтни қайта ишлаш заводи худудида доимий истиқомат қилувчи болаларда экологик қулайроқ шароитда яшовчи болалар нисбатан атопик дерматитнинг учраш даражаси ортиши касалликнинг атипик кечиши ва иммунологик реактивлиги пасайишига олиб келиши асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор нефтни қайта ишлаш заводи атрофидаги яшовчи болаларда атопик дерматит IgE, яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-5 ва IL-13), эотаксин миқдорлари ортиши билан кечиши ва TGF- β миқдори эса яшаш жойидан қатъий назар юқори бўлиши аниқланганлиги бўйича «Ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят худудий филиали бўйича 23.07.2024 йилдаги 23-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят худудий филиали бўйича 24.07.2024 йилдаги 41-Т-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари худудий филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик

дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усулларини қўллаш хар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 445000 сумгача тежалиши ва даволаш муддати 7 кунга қисқариши асосланган. *Хулоса:* нефтни қайта ишлаш заводи атрофидаги яшовчи болаларда атопик дерматит IgE, яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-5 ва IL-13), эотаксин ва TGF- β миқдорлари ўзгаришига боғлиқлиги асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида яшовчи болаларда цитокин ҳолати кўрсаткичларининг юқори интенсивлигини (яллиғланишга қарши цитокинлар ва эотаксин нисбатлари) аниқлаш асосида атопик дерматитнинг башорат қилиш индекси ККПИ < 2,5 бўлиши унинг ноқулай курсининг диагностик мезони эканлиги исботланганлиги бўйича «Ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали бўйича 23.07.2024 йилдаги 23-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали бўйича 24.07.2024 йилдаги 41-Т-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудий филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усулларини қўллаш хар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 445000 сумгача тежалиши ва даволаш муддати 7 кунга қисқариши асосланган. *Хулоса:* нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида яшовчи болаларда цитокинлар ҳолати кўрсаткичларининг юқори интенсивлигини ва атопик дерматитнинг башорат қилиш индекси кўрсаткичи ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: атопик дерматитли болаларни дифферентциал ва комплекс даволаш самарадорлиги боланинг клиник ҳолати, тананинг адаптив қобилятининг ортиши, IgE нормал даражасини тиклаш билан ремиссия даврининг узайиши, яллиғланишга қарши цитокинлар, эотаксин ва қон зардобдаги ўсиш омили миқдорларининг меъёрлашуви билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича бўйича «Ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг клиник-иммунологик

хусусиятлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали бўйича 23.07.2024 йилдаги 23-сонли, Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали бўйича 24.07.2024 йилдаги 41-Т-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган дерматология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудий филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши ишлаб чиқариш корхоналари атрофидаги аҳоли болаларида атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятлари аниқлаш ва даволаш усуллари қўллаш ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 445000 сумгача тежалиши ва даволаш муддати 7 кунга қисқариши асосланган. *Хулоса*: атопик дерматитли болаларни дифференциал ва комплекс даволаш самарадорлиги IgE даражаси, ремиссия даврининг узайиши, яллиғланишга қарши цитокинлар, эотаксин ва қон зардобиддаги ўсиш омили миқдорлари меъёрлашуви билан боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда аллергия касалликларнинг тарқалиши ва атопик дерматитнинг клиник-иммунологик хусусиятларига қаратилган замонавий қарашлар (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида болаларда аллергия касалликларнинг тарқалиши ва этиопатогенези хусусиятлари, болаларда атопик дерматитнинг тарқалганлиги ва атопик дерматит тарқалиши хавф омиллари, АД мавжуд беморларда баъзи озиқ-овқат аллергиялари, масалан, сигир сути, тухум оқсили ва сариғи, буғдой, балиқ, ёнғоқлар, соянинг этиология аҳамиятини асосан, дастлабки икки усулда ўрганилди. Бир нечта ишларда болаларда сабаб-аҳамиятли аллергияларнинг диагностикаси аллергия ихтисослашган IgE-антитаналарни аниқлашга асосланди. АД мавжуд болаларда аллергиялар клиник белгилари ва сабаб-аҳамиятига бағишланган хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар илмий манбалари ўрганилган ва шарҳланган.

Диссертациянинг «**Нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг клиник-иммунологик тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Бухоро вилоят Қоравулбозор тумани Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли болаларидан 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган 150 нафар атопик дерматит билан оғриган бемор болалар текширилди. Шунингдек, таққослаш гуруҳи сифатида экология қулайроқ ҳудудда яшовчи Республика Ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий текшириш маркази Бухоро ҳудудий филиали маслаҳат поликлиникасига мурожаат қилган 60 нафар атопик дерматит билан оғриган бемор болалар олинган. Тадқиқот давомида биз қўйилган вазифаларга мувофиқ 20 нафар соғлом кўнгилли болалар ҳам олинган.

Тадқиқот давомида беморларнинг ёши 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларни танланган. Болаларнинг жинси бўйича таҳлил ўтказилганида ўғил ва қиз болаларнинг нисбати қандай эканлиги аниқланган (1-жадвал).


1-жадвал

Тадқиқот давомидаги болаларнинг жинси бўйича нисбати

Жинс муносибати	Назорат гуруҳ, n=20		АД бўлган болалар			
			1-гуруҳ, n=150		2-гуруҳ, n=60	
	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз
1 болалик даври, 3-6 ёш	3	5	31	33	16	12
2 болалик даври, 7-12 ёш	8	4	46	40	14	18

Ёш гуруҳидаги беморларни танлашга заҳарли моддаларнинг сурункали таъсирига энг заиф гуруҳ эканлиги, шунингдек уларнинг шу ҳудудда доимий

яшаши таъсир кўрсатган. Беморлар Бухоро давлат тиббиёт институти дерматовенерология ва болалар дерматовенерология кафедрасида кўриқдан ўтказилган ва даволанган. Бухоро вилоят Қаравулбозор тумани 2020 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда поликлиникада клиник кўриқдан ўтказилганда соғлом болалар гуруҳи танлаб олинган.



1-расм. Тадқиқот давомидаги болаларнинг жинси бўйича нисбати


Назорат гуруҳидаги болалар атопик дерматитдан азият чекмаган. Уларда бронхиал астма, аллергия ринит ва бошқа аллергия касалликларга ирсий мойиллик бўлмаган, бошқа сурункали соматик касалликлар, клиник ва биокимёвий қон текширувларида аномалиялар бўлмаган, тадқиқотдан камида бир ой олдин юқумли касалликларга чалинмаган. Тадқиқот контингенти қизларнинг маълум бир устунлиги 59% дан 41% гача бўлиши учун танланган. 1-жадвалда болаларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши кўрсатилган (1-расм).

Атопик дерматит ташхиси клиник хусусиятлари асосида тадқиқот амалга оширилган. Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун биз махсус тадқиқот усуллари мажмуасидан фойдаланилган (2-жадвал) (2-расм).

2-жадвал

Тадқиқот давомида қўлланиладиган текшириш усуллари

Текшириш усуллари	Назорат гуруҳ, n=30	1-гуруҳ, n=150	2-гуруҳ, n=60
<i>SCORAD</i> текшириш	30	150	60
Умумий қон тешируви	30	150	60
Биокимёвий қон текшируви	30	150	60
Иммунологик текширув	30	150	60



2-расм. Тадқиқот давомида қўлланиладиган текшириш усуллари

Диссертациянинг «Нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг клиник тадқиқотлар натижалари» деб номланган учинчи бобида касалликнинг кучайишига сабаб бўлган омиллар келтирилган.

3-жадвал

Нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудида доимий истиқомат қилувчи болаларда атопик дерматитнинг келиб чиқиш сабаблари

Сабабчи факторлар	1-гуруҳ, n=150		2-гуруҳ, n=60	
	Мут. сони	%	Мут. сони	%
Уй жиҳозлари аллергенлари	23	15,3%	8	13,3
Алиментар, овқатланишнинг бузилиши	27	18,0%	11	18,3
Нейро-эмоционал зарарланишлар	29	19,3%	7	11,7
ОРВИ	17	11,3%	16	26,7
Ўткир инфекцион касалликлар	14	9,3%	5	8,3
Ҳар хил дори маҳсулотлар қабул қилувчиларда	18	12,0%	4	6,7
Сабаби аниқланмаган	22	14,6%	9	15,0


Жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 1-гуруҳ атопик дерматитли болаларнинг кўп ота-оналари овқатланишнинг бузилиши (18,0%), асабий зўриқиш ва стресс (19,3%) кучайиши ва касалликнинг мумкин бўлган сабаби сифатида кўрсатилган ва юқумли касалликлар (9,3%), баъзи бемор болаларда 2-3 омилнинг кучайишининг мумкин бўлган сабаблари сифатида кўрсатилган. 2-гуруҳ атопик дерматитли болаларнинг кўп ота-оналари овқатланишнинг бузилиши (18,3%), асабий зўриқиш ва стресс (11,7%) кучайиши ва касалликнинг мумкин бўлган сабаби сифатида кўрсатилган ва юқумли касалликлар (8,3%), баъзи бемор болаларда 2-3 омилнинг кучайишининг мумкин бўлган сабаблари сифатида кўрсатилган.

4-жадвал

Ирсий атопик дерматит мавжуд бемор болаларда яқин қариндошлик алоқалари таснифи

Сабабчи факторлар	1-гуруҳ, n=150		2-гуруҳ, n=60	
	Мут. Сони	%	Мут. сони	%
ота-онаси ва опа-сингилларда	56	71,8%	11	18,3
II даражали қариндошларда	12	15,4%	9	15,0
III даража қариндошларда	10	12,8%	6	10,0
Топилмади қариндошларида	72	Топилмади (%)	34	56,7


Тадқиқот давомида иккала гуруҳ болаларида ирсий атопик дерматит билан оғриган барча бемор болаларнинг она ва отаси баъзи қариндошларини сўроқ қилиш ва текшириш орқали ўрганилган. Аллергик табиатдаги касалликлар учун 1-гуруҳ беморларида ирсий атопик дерматит 78 та бемор болада (52,7%), шу жумладан, буларнинг орасида ота-онаси ва опа-сингилларда 56 (71,8%), II даражали қариндошларда 12 (15,4%) ва III даража қариндошларда 10 (12,8%) аниқланган. Текширув давомида 70 (47,3%) бемор болада ирсий бўлмаган атопик дерматит аниқланган (3.2-жадвал). 2-гуруҳ беморларида ирсий атопик дерматит 26 та бемор болада (53,3%), шу жумладан, буларнинг орасида ота-онаси ва опа-сингилларда 9 (15,0%), II даражали қариндошларда 9 (10,0%) ва III даража қариндошларда 6 (10,0%) аниқланган. Текширув давомида 34 (56,7%) бемор болада ирсий бўлмаган атопик дерматит аниқланган.



3-расм. Ирсий атопик дерматит мавжуд бемор болаларда яқин қариндошлик алоқалари таснифи.

1-гуруҳ атопик дерматит билан оғриган бемор болаларнинг 56 нафари яқин қариндошида (ота-онаси ва опа-сингилларда) аллергик касалликларнинг нозологияси 3.3-жадвалда келтирилган (3-расм).

1-гуруҳ бемор болаларнинг қариндошларида аллергик касалликлар мавжудлигини таҳлил қилиб, атопик касалликлар: бронхиал астма ва атопик дерматит кўпроқ эканлиги қайд этилган. Аллергик риноконъюктивит, аллергик дерматит, экзема ва крапивница камроқ қайд этилган (4-расм). 2-гуруҳ бемор болаларнинг барчасида ҳам шу касалликлар учраган.



4-расм. Атопик дерматит мавжуд бемор болаларда йўлдош касалликлар таснифи

Ташқи таъсирлар натижасидаги атопик касалликлар асосан катта ёшдаги бемор болаларда қайд этилган.

НҚИК атрофида яшовчи бемор болаларда атопик дерматитнинг кечиш давомийлиши ва тарқалишини акс эттирувчи дерматологик объектив текширув индексининг динамикаси даволашнинг ҳар 7 кунда баҳоланган.

Даволаш натижасида барча бемор болаларда атопик дерматит клиник белгиларининг ижобий динамикаси қайд этилган, аммо қиёсий таҳлилда сезиларли фарқлар қайд этилган (5-жадвал).

5-жадвал.

НҚИК атрофида яшовчи бемор болаларни даволашда дерматологик объектив текширув индексининг ижобий динамикаси

Тадқиқот гуруҳлари	Дерматологик объектив текширув индексининг динамикаси			
	Даволашгача	7 кунлик даволаш	14 кунлик даволаш	21 кунлик даволаш
1-гуруҳ, n=150	36,7±2,1	22,6±1,2	12,3±0,6*	9,1±0,3**
2-гуруҳ, n=60	36,4±1,7	27,9±1,2	14,1±0,8*	8,3±0,1**

Изоҳ: * p<0,05 асосий кўрсаткичга нисбатан; ** - p<0,001 бошланғич билан солиштирилганда;

Иккита тадқиқот гуруҳида даволашнинг клиник самарадорлигини таҳлил қилганда, тадқиқотнинг биринчи ҳафтасида терида ўткир яллиғланиш пасайганлиги сабабли, дерматологик объектив текширув кўрсаткичлари ўзгармаслиги қайд этилган.

Гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ сезилган. Дерматологик объектив текширув индексининг кўрсаткичларининг пасайиши, асосан қизариш, шишиш, экссудация каби индекс кўрсаткичларининг пасайиши билан боғлиқ бўлган.

Кузатишнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб 1-гуруҳ ва 2-гуруҳ гуруҳларда дерматологик объектив текширув индексининг пасайиши анча тез содир бўлган, бу аллақачон лихенизация, куруқлик, эксориация белгилари ва касалликнинг тарқалиши билан боғлиқ булган (p<0,05 - 1-гуруҳ ва 2- гуруҳ нисбатан).

21-кунга келиб, 1 ва 2 гуруҳлардаги барча бемор болалар дерматологик объектив текширув индекси қийматини 10 баллдан пастроқ (енгил АД) га эришдилар, ўртача кўрсаткич мос равишда 9,1±0,3 ва 8,3±0,1 баллни ташкил этди ва биринчи гуруҳ билан сезиларли фарқ бор эди. (p<0,05). Назорат гуруҳида дерматологик объектив текширув индексининг динамикаси анча секинроқ бўлди ва даволаш охирида индекснинг ўртача қийматлари 21,6±1,37 ни ташкил этган, бу элиминация терапиясини олган гуруҳга қараганда 2,4 баравар юқори.

Тадқиқот давомида НҚИК атрофида доимий яшовчи антропоген ифлосланиш даражасига кўра турли ҳудудларда доимий яшовчи бемор болаларда атопик дерматит курсининг ўзига хос хусусиятлари мунтазам лаборатория тадқиқотлари кўрсаткичларида оғишлар билан бирга келган. Натижада, бемор болалар гуруҳларида даволаш самарадорлигини аниқлаш учун гемограмма ва биокимёвий қон тестлари натижалари динамикаси баҳоланган. Барча гуруҳларда гемограмма кўрсаткичларини таҳлил қилганда, даволаш натижасида эритроцитлар чўкиш тезлигининг сезиларли даражада пасайиши қайд этилган, бу яллиғланиш жараёнлари фаоллигининг пасайишини кўрсатган (6-жадвал).

НҚИК атрофида яшовчи бемор болаларни даволаш натижасида атопик дерматит билан оғриган бемор болаларда гемограмма параметрларининг динамикаси

Гемограмма кўрсаткичлари	1-гурух, n=150		2-гурух, n=60	
	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Гемоглобин г/л	136,8 ±7,3	132,2±6,4	135,7±8,6	137,6±7,1
Эритроцит $\times 10^{12}/л$	5,0 ± 04	4,1±0,1	4,5±0,2	4,1±1,5
Лейкоцит $\times 10^9/л$	7,2 ±0,1	4,1±0,3*	7,1±2,5	6,1±2,2
Таёқчасимон %	2,5 ± 0,3	2,5±0,1	1,8±1,2	2,3±2,1
Сегментли %	46,0 ±1,6	39,9±0,8*	40,3±16,5	43,8±9,3
Лимфоцит %	38,4±2,3	44,9±0,7*	47,9±15,4	49,0±7,4
Моноцит %	5,6 ± 1,9	4,4±0,0	4,0±2,5	4,36±2,2
Эозинофил %	3,1 ±0,8	0,2±0,02	3,9±2,6	0,2±0,01
ЭЧТ мм/с	8,4 ±0,5	5,9±0,3*	6,3±3,3	2,1±0,2*

Изоҳ * - даволашдан олдин ушбу гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан $p < 0,05$ да t-тести билан фарқлар сезиларли.

Атопик дерматит билан оғриган бемор болаларда анъанавий терапия фониди, унинг НҚИК атрофида доимий яшовчи бемор болаларда кузатилган нисбий лейкопения кўрсаткичларига таъсири топилмаган. Соғлом болаларга нисбатан даражаси сегментланган нейтрофиллар $45,9 \pm 1,6\%$ дан $40,0 \pm 0,8\%$ гача ($p < 0,05$) сезиларли даражада камайиши ва лимфоцитларнинг $38,4$ дан ортиши билан лейкоцитлар формуласининг ўнгга силжишини бартараф қилинган $38,4 \pm 2,3\%$ дан $44,9 \pm 0,7\%$ гача ($p < 0,05$).

Тадқиқот давомида атопик дерматит билан оғриган бемор болалар сингари турли органлар ва тизимларнинг ҳолати, фаолиятини баҳолашда биокимёвий қон тестлари кўрсаткичларини баҳолаш катта клиник-диагностик аҳамиятга эга (7-жадвал).

НҚИК атрофида яшовчи бемор болаларни даволаш натижасида атопик дерматит билан оғриган бемор болаларда биокимёвий қон текшируви динамикаси

Кўрсаткичлар	1-гурух, n=150		2-гурух, n=60	
	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Умумий белок г/л	67,2±1,1	76,2±1,1	75,1 ±0,9	79,4±6,8
Альбумин г/л	52,3±0,9	47,1±0,7	61,0±1,8	49,1 ±8,3
Билирубин мкмоль/л	15,5±1,4	11,1±3,6	10,0±4,5	11,3±5,1
АсАт Ед./л	27,9±7,1	21,9±2,2	24,0±1,5	23,3±9,4
АлАт Ед./л	36,4±2,9	24,4±2,2	28,0±1,0	25,7±8,1
Ишқорий фосфатаза МЕ./л	256,0±17,8	253,0±21,6	310,0±34,2	273,0±31,5
Глюкоза моль/л	4,7±0,2	4,5±0,1	5,0±1,5	4,9±1,1
Магний ммоль/л	0,4±0,001	1,0±0,002*	1,0±0,02	1,0±0,01
Калий ммоль/л	3,7±0,3	4,9±0,01*	4,5±0,02	4,2±0,7
Натрий ммоль/л	147,7±19,7	136,2±9,32	134,3±15,6	141,4±3,1*
Кальций ммоль/л	2,0±0,4	2,2±0,8	2,1 ±0,02	2,0±0,03
Темир мкмоль/л	8,0±0,9	13,3±1,3*	16,9±5,0	18,1±3,5

Изоҳ * - даволашдан олдин ушбу гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан $p < 0,05$ да t-тести билан фарқлар сезиларли.

Биокимёвий қон тестлари кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш сорбент ва антидот ёрдамида комплекс терапия зарурлигини кўрсатган. I гуруҳида даволаш натижасида минераллар алмашинувининг нормаллашуви қайд этилган, бу қондаги магний миқдорининг икки баравардан ортиқ $0,4 \pm 0,001$ дан $0,99 \pm 0,002$ ммол/л гача ошиши билан намоён бўлган ($p < 0,05$), калийнинг сезиларли ўсиши $3,7 \pm 0,3$ дан $4,9 \pm 0,01$ ммол/л ($p < 0,05$) ва қон зардобидаги темирнинг $8,0 \pm 0,9$ дан $13,3 \pm 1,3$ гача ($p < 0,05$), аммо темир даражаси мақбул даражага етмаган. Барча гуруҳларда кўрсаткичнинг пасайиши тенденцияси кузатилган, аммо терапиядан олдин ва кейин

кўрсаткичлар ўртасида сезиларли фарқ йўқ эди. II-гурухда атопик дерматитли бўлган бемор болалар гуруҳида даволанишдан сўнг натрий даражасининг сезиларли даражада ошиши ва гидроксиди фосфатазининг нисбатан камайиши қайд этилган.

Диссертациянинг «Атопик дерматит билан касалланган болаларнинг иммун тизими кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида Атопик дерматит билан оғриган беморларда тери яллиғланиши жараёнининг ривожланиши генетик механизмлар, атроф-муҳит омиллари, юқумли агентлар ва тери тўсиғи нуқсонлари ва иммунитет механизмлари ўзаро мураккаб таъсирдан келиб чиққан. Маълумки, атопик дерматит терининг ташқи ва ички таъсирловчиларга табиий реакциясини бузувчи, IgE га боғлиқ тери яллиғланиши ва унинг гиперреактивлигига асосланган сурункали касаллик ҳисобланади. 8-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, IgE даражаси 1-гурух болаларда 2-гурух ва назорат гуруҳларига нисбатан максимал қиймат билан сезиларли даражада ошган.

8-жадвал

Текширилаётган болаларда иммун тизимининг ўрганилган параметрлари даражаси

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=20	АД бўлган болалар	
		1-гурух, n=150	2-гурух, n=60
IgE, МЕ/мл	37,82 ± 1,33	278,24 ± 44,53*	150,25 ± 26,48*^
IL-5, пг/мл	11,86±0,81	73,65 ± 3,84*	41,58 ± 1,73*^
IL-13, пг/мл	6,53±0,54	43,68 ± 1,43*	29,24 ± 1,22*^
TGFβ, пг/мл	10,91±0,89	46,06 ± 4,02*	43,08 ± 3,28*
Эотаксин, пг/мл	53,84 ± 2,76	235,36 ± 7,53*	169,72± 4,68*^


Изоҳ: *Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ^ Қийматлар 1-гурухга нисбатан ишончли (P<0,05 - 0,001)

Бу назорат кўрсаткичларидан 7 баравар юқори бўлиб, ўртача 278,24 ± 44,53 МЕ / мл (P<0,001) ва экологик жихатдан қулайроқ минтақада яшовчи АД билан касалланган болаларга нисбатан эса 1,85 баравар юқори (150,25 ± 26,48 МЕ / мл, P<0,01).

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, атопик дерматитнинг асосий патогенетик механизмларидан бири яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқариш даражасида IgE синтезининг бузилиши бўлиб, бу Th1 ишлаб чиқаришдаги номуаносиблик концепцияси учун асос бўлган ва Th2 цитокинлари атопия патогенезида, бунда IL-5,-13 генлар экспрессиясини кучайиши кузатилган ва Б-лимфотцитлар фаоллиги ошган. Шу билан бирга, IL-5 эозинофиллар учун кимёатракант бўлиб, уларнинг дегранулятсиясини келтириб чиқаради ва атопия патогенезида роль ўйнайди. 5-расмдаги


маълумотлардан кўриниб турибдики, касал болаларда IL-5 даражаси назорат гуруҳидаги қийматлардан сезиларли даражада юқори эди.

Айниқса, 1-гуруҳ болаларида IL-5 даражаси ўртача $73,65 \pm 3,84$ пг/мл ни ташкил этган, бу назорат гуруҳидаги қийматлардан 6,2 баравар юқори ($11,86 \pm 0,81$ пг / мл, ($P < 0,001$) болаларда). Такқослаш гуруҳида IL-5 даражаси 3,5 ни ташкил этган, ($41,58 \pm 1,77$ пг / мл, $P > 0,001$), аммо 1- гуруҳ болаларида нисбатан ишончли бу курсатгич паст эди. ($P < 0,005$)



5-расм. Текширилаётган болаларда IL-5 даражаси, пг/мл


